ИНСОН ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИ

М.А.АХУНОВ

Мақолада иқтисодиёт назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоси бўлган инсон эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиш жараёни ҳақида фикр юритилган. Ёшларда маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиш жараёни уларнинг тарбияси билан алоқадорликда ёритилган.

Калит сўзлар: *инсон эҳтиёжлари, маънавий эҳтиёж, маънавий етуклик, маънавий қашшоқлик, эҳтиёжларнинг мавҳумлиги ва аниқлиги, маънавий тарбия, маънавий ишлаб чиқариш.*

В статье рассматривается актуальная проблема теории и практики экономики – процесс формирования непрерывно растущих потребностей человека. Обосновывается взаимодействие и взаимозависимость формирования духовных потребностей молодежи с их воспитанием.

Ключевые слова: *человеческие потребности, духовная потребность, духовная зрелость, духовная бедность, абстрактная и конкретная потребность, духовное воспитание, духовное производство.*

The article discusses the actual problems increasing process of human needs. It is pointed out that the formation of needs of the is closely connected with thr process of their education.

Key words: *human needs, moral needs, moral maturity, morally poor, abstractness and accuracy of needs, moral enrichment.*

Иқтисодиёт назарияси ва амалиётида шундай масалалар борки, улар табиатнинг ўзгариши, жамият ва инсон тараққиёти билан тобора аҳамиятлироқ тус олиб боради. Шундай масалалардан бири инсон эҳтиёжлари ва уларнинг шаклланиш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралда қабул қилинган “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида ёшларни тарбиялаш ишларининг самадорлигини ошириш вазифаси ҳам белгиланган. Қарорда ёшларни “жисмоний ва маънавий соғлом”, “уйғун камол топиб ўсиб келаётган авлод”, “профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрлар” деб эътироф этилган.

Ёшлар тарбиясида улардаги эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ўсиш жараёнига алоҳида эътибор қилиш ижтимоий ҳаётнинг зарурий шартидир. Инсон тирик организм бўлгани учун ҳам унга эҳтиёжлар хосдир. Инсон эҳтиёжлари, одатда, ўз мазмунига кўра: 1) табиий, 2) маънавий (интеллектуал), 3) социал характерда бўлади. Табиий эҳтиёжлар бу – инсоннинг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жой, уйқу, дам олиш, иссиқлик ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир. Табиий эҳтиёжларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар миқдор ва сифат жиҳатидан чегарага эга, ҳажмга боғлиқ. Масалан, озиқ-овқатга, уйқуга бўлган эҳтиёжлар чегараланган бўлади. Маънавий (интеллектуал) эҳтиёжлар инсоннинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг билим олиш, илм-фан, маданият, дин ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир. Ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлган инсонга социал эҳтиёжлар ҳам хосдир. Социал эҳтиёжлар жамиятда яшашга, ҳамжиҳатлик ёки рақобатда бўлиш, бир-бири билан муносабатда ва мулоқотда бўлишга, қисқаси, инсоннинг инсонга бўлган эҳтиёжларидир. Маънавий ва социал эҳтиёжлар чегарасиз, ҳажмсиз бўлиб, улар жамият ва давлат томонидан қонун-қоидалар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар, менталитет, ахлоқ, одоб, дин, эътиқод кабилар орқали тартибга солинади, назорат қилинади. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятни шакллантиришда “маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади” [2.30] деб ёзган эди.

Инсон маънавияти ундаги маънавий эҳтиёжларни қондириш орқали шаклланади. Маънавий эҳтиёжлар эса маънавий неъматлар орқали қондирилади. Маънавий неъматлар моддий ва номоддий бўлади. Инсонда гўдаклигидан бошлаб эҳтиёжлар шакллана бошлайди. Шу сабабли ҳам инсон эҳтиёжлари ва уларни қондириш жараёни катта аҳамиятга эга. Эҳтиёжлар инсоннинг истеъмол қилиш қобилиятларидир. Демак, эҳтиёжларнинг, яъни истеъмол қилиш қобилиятларининг шаклланиш жараёнига таъсир қилиш, тарбиялаш, бошқариш, шаклланиб қолганларини эса ўзгартириш мумкин. Инсонда қайси бир неъматни истеъ-

мол қилиш, фойдаланиш, ишлатишга қобилиятлар шаклланса, ана шу нарсаларга доимий эҳтиёжлар пайдо бўлади. Айниқса, бу жараён ёшларда кескин ўтади. Масалан, тамаки, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қобилиятлари шаклланмаган кишиларда уларга нисбатан эҳтиёжлар туғилмайди. Билмаган, кўрмаган, эшитмаган, фойдаланмаган нарсаларга ҳам, одатда, инсонда эҳтиёжлар туғилмайди. Масалан, оммавий маданиятга бўлган эҳтиёжлар улар тўғрисидаги информациялар ва йўл қўйилган шарт-шароитлар туфайлигина кириб келиши мумкин. Эҳтиёжлар инсонда бирор нарсага бўлган муҳтожлик сифатида намоён бўлади, ҳаётий зарурат кўринишига эга бўлади. Инсон эҳтиёжлари қондирилмаса, у безовталаниб, ҳаётдан норози бўла бошлайди, унда салбий майллар ҳаракатга келади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларининг мазмун-моҳиятини, уларни қондириш воситалари ва жараёнларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб бориши керак.

Инсон эҳтиёжларининг икки босқичда намоён бўлишини эътиборга олиш зарур. Дастлабки босқичда инсон эҳтиёжлари умуман озиқ-овқатга, кийим-кечак, китоб ўқиш, томоша кабиларга муҳтожлик сифатида намоён бўлади. Бу бошланғич муҳтожлик эҳтиёжларнинг мавҳумлиги деб аталади. Иккинчи босқичда эҳтиёжлар мансублашади, аниқлашади. Масалан, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлар нон, картошка, гўшт, кофе, китоб ўқишга бўлган эҳтиёжлар бадиий ёки илмий китоблар, дунёвий ёки диний китоблар, томошага бўлган эҳтиёжлар кино, театр, видео каби аниқ предметлар ва жараёнларда ўз ифодасини топади. Мавҳум эҳтиёжлар консерватив характерга эга бўлса, аниқ эҳтиёжлар прогрессив аҳамиятга эга бўлади. Инсон эҳтиёжлари қандай нарсаларда аниқланиши иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга, шарт-шароитларга боғлиқ. Инсон эҳтиёжларини қондирувчи ноз-неъматларни – улар табиат инъомларими, ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсулотларими – ўрганиш, истеъмол ва фойдаланиш қандай натижаларга олиб боришини билиш ижобий натижаларга етаклайди.

Маънавий эҳтиёжлар ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, баркамол авлод тарбиясида ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Эҳтиёжлар тириклик белгиси бўлса, маънавий эҳтиёжлар кишининг ижтимоийлиги, инсонийлиги белгисидир. “Маънавият” сўзи арабчада “руҳ”, “онг”, “идрок” маъноларини англатиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам маънавият фақат инсонга хос хусусиятдир. Цивилизациянинг барча босқичларида маънавиятли шахсгина инсон деган шарафли номга лойиқ деб айтилган. Маънавият руҳий, ақлий, ахлоқий қадрият сифатида миллатнинг, халқнинг, ҳар бир шахснинг маъно-моҳияти, ички олами, тафаккур ва дунёқарашини, ахлоқ ва одобини, яъни барча инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Шу боисдан маънавиятни инсон ички оламини бойитадиган, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч деб таърифлайдилар. Моддий ишлаб чиқариш инсон маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатса ҳам, аслида кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ноз-неъматлар маънавий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўлган маориф, таълим, маданият ва санъат, илм-фан, спорт ва жисмоний маданият маънавий ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади.

Маънавият, одатда, тарбия ва билим бериш орқали шакллантирилади. Шу сабабли ҳам инсон маънавиятининг қудрати маърифатга боғлиқдир. Маърифат бу билиш, билимни таниш демакдир. Билимлар дунёвий, диний, фалсафий (донишмандлик) йўналишларида бўлади. Табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақида турли-туман билимлар, маълумотлар маърифат деб аталади. Маърифатли кишилар ўз билимларидан инсон ва жамият келажаги, бахт-саодати йўлида фойдалансалар, уларни маънавиятли деб атайдилар. Маънавий етук, маънавий қашшоқ деган тушунчалар бор. Маънавий етуклик инсоний қадр-қимматни ҳамма нарсадан устун қўяди, энг муҳим масалаларни ҳал этишда ақл-идрок асосида иш юритади. Маънавий қашшоқлик эса, асосан, кўздан яшириган. У инсон олдида ҳаёт-мамот масалаларини ҳал қилиш пайтида ошкор бўлиб қолади. Маънавий қашшоқлик инсонни худбинлик, жирканчлик томон судрайди. Ундай шахсларда ҳиммат, мурувват, фаросат бўлмайди. Маънавий етуклик инсон ақл-заковати ва тафаккурида мужассамлашган маърифат туфайли сайқал топган ижтимоий ҳодисадир.

Инсон маънавияти ҳаётий тажриба, илм, заковат натижасида атроф-муҳит ва бошқа кишиларнинг намунаси таъсирида шакллана боради. Шахс маънавияти миллат, жамият ва давлат маънавиятининг бир бўлагидир. Маънавият кишилар ўртасидаги кўпқиррали муносабатлар, жамият ҳаётидаги шароит ва имкониятлар асосида ривожланади. Шу билан бирга, маънавият одамлар ўртасидаги юксак ахлоқ-одоб меъёрлари, ҳуқуқий мезонлар, мафкуравий эътиқодга асосланган адолатлилик, инсонпарварлик, ҳалоллик, байнал-

милалчилик билан суғорилган муносабатларнинг асосидир. Замонавий ёшларимиз қалби, онги, тафаккурида миллий ғурур – Ватан туйғусини шакллантириш, уларда ўз оиласи, хонадони, маҳалласи, киндик қони тўкилган азиз жой – Ватанини қалбдан севиш туйғусини ҳис қилиш ва англаш эҳтиёжини шакллантириш керак. Ёшлар маънавий эҳтиёжларининг шаклланиши жараёнига бу каби фазилатларни сингдириш психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддат талаб қиладиган, шу билан бирга, ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Маънавий баркамол авлод масаласи шунинг учун ҳам бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолганки, бусиз на юрт тинчлигини, на Ватан равнақини, на халқ фаравонлигини таъминлаб бўлади.

Ёшларда маънавий эҳтиёжларни шакллантиришда қуйидаги услублардан фойдаланиш мумкин:

1. Кузатув услуби энг муҳим услублардан бўлиб, тўғри қўлланган ҳолда яхши натижалар беради. Масалан, талабаларни кузатиш жараёнини доимий равишда ва батафсил олиб бориш мақсадида албатта “Кузатув дафтари” юритилиши лозим. Ҳар бир объектни вақт, жой, ҳолат ва бошқа параметрлар бўйича кузатиш, аниқ давр ичида таҳлил қилиб, шартли равишда чоралар белгилаш ўз самарасини беради. Бу услуб ўта синчковлик ва сабр-тоқатни талаб қилади.

2. Меҳнат маҳсули, маълумотлар таҳлили – илмий нуқтаи назардан зарур услуб. Ҳар бир ёш ҳақида унинг ҳужжатлари, уни тавсиф этадиган, унга нисбатан аввал қўлланилган услубларнинг натижалари, унинг меҳнат маҳсули (тайёрлаган мустақил ишлари, ижодий ҳаракатлари ва б.) орқали маълумот олиш ва керакли хулосалар қилиш мумкин.

3. Суҳбат – кузатув жараёнида шубҳа туғдирган ҳолат бўйича ойдинлик киритишнинг энг самарали услуби. Тўғри режалаштирилган суҳбат ҳар бир ёшнинг руҳий ҳолатини унинг ўзидан билишга, кузатув тактикасини текширишга имкон беради. Ушбу усулдан фойдалана олиш педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Масалан, салбий психика ўзгаришини аниқлаш учун уни ижобий ҳолатлардан ажрата билиш зарур, яъни педагог психологиянинг ёш даври психологияси йўналишидан хабардор бўлиши керак.

4. Услубий тажриба – тўпланган кузатув натижалари, суҳбат жараёнида олинган маълумотларга асосан керакли таъсир ўтказиш мақсадида қўлланиладиган услуб. Бу услуб ўта мураккаб бўлиб, жиддий тайёргарликни талаб қилади. Тажриба услубини қўллаш ўқув муассасаси психологи билан келишилган ҳолда ва унинг назоратида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Тажриба ўтказишнинг ўзига хос талаб ва қонунлари бўлиб, алоҳида тадбир режасига асосан амалга оширилади.

5. Сўровнома – савол-жавоб, бу талабалар учун очиқ текширув бўлиб, улар ўз руҳий ҳолатлари назорат остида эканлигини сезиб турганлари учун жавобларининг самимийлик борасида бир хил бўлиши амри маҳол. Шу боис ушбу услуб қўшимча текширувлар, таҳлилларни талаб қилади. Натижалар доим ҳам ишонарли бўлмаслиги мумкин.

6. Тест – синов. Психологик мувозанатга эга бўлмаганлар учун ўта қийин сезилиши, ўз фикрига ва билимига эга бўлмаганлар томонидан кўр-кўрона танлаш йўли билан амалга ошириладиган услуб. Ёшларнинг онги, дунёқараши тўла ривожланмаганлигини инобатга олсак, умумий тестлар керакли натижалар бермаслиги мумкин. Бу услубни қўллаш учун мавзу ўта аниқ, йўналтирилган, савол-жавоблар пухта тайёрланган бўлиши зарур.

7. Коррекцион-ривожлантириш услублари. Бу услублар аниқланган салбий психологик ўзлаштиришларни бартараф этиш, тўғрилаш, талабаларда мавжуд ижобий фазилатлар, қобилиятлар ва истеъдодларни ривожлантириш мақсадларида қўлланилади. Яхши тайёргарлик билан қўлланган ушбу услублар албатта кутилган натижаларни беради.

Баркамол авлодни маънавий тарбиялаш узлуксиз, тўхтовсиз жараён. Ҳаёт ривожланган сари бу жараён янгича қарашлар ва янгича ечимларни талаб қила боради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори. 2013 йил 14 февраль.

2. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

4. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.

Андижон давлат университети,
2013 йил 29 августда қабул қилинган
(Тақризчи: и.ф.н. У.Сотволдиев)